ISSN 2010-720X

# ILIM HÁM JÁMIYET

Bul dúnyanıń kórki adam balası
Ájiniyaz

Ájiniyaz atındaǵı
NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ
NMPI
1934



# FAN VA JAMIYAT

2019 (№3)

Қосназарлардың өз-ара тартысын, сораў-жуўабы берилген орынларда автор тәрепинен орынлы қолланылған ҳәм персонажлардың характерин ашып берген.

Солай етип, биз сөз еткен К.Рахмановтың бул драмасының сюжети дәстан сюжети тийкарында алынған болып, автор сахна талапларын есапқа алып, тек дәстанның тийкарғы кескин бурылыс орынларын ғана алған.

Драмада сюжет 16-17 персонаж жәрдеминде ашылып бериледи. Бунда баслы қаҳарман Едиге, Тоқтамыс хан, Сатемирхан образлары.

Едиге образы өз бойына мәртлик, халықшыллық, ақыллылық қәсийетлерин бир-бирине байланыстырған ҳалда сүўретленген. Ол халық арзыў еткен, олардың әрманларын әмелге асыратуғын, Тоқтамыс ханның қысымынан азат етиўши бирден-бир күш. Елиниң тынышлығы ушын шаңарағы, бала-шағасынан кетип Сатемирден жәрдем сорап елин қутқарыў ушын ислеген ҳәрекетлери оның батырлығын көрсетеди. Мәселен :

Тоқтамыс ханның Едиге келди десе орнынан ушып турып тахтынан түсип сәлемин әлик алыўы, ҳәттеки, дийўанбеги оны тәрийплегенинде Сатемир ханда тахтынан түсип албыраклап қалыўынан оның батырлық портрети жасалған.

Тоқтамыс хан базы орынларда ақыллы, өзинше пикирге ийе хан сыпатында, базы орынларда жеке қарар қабыл ете алмайтуғын, еки жүзли хан сыпатында(Ўәзирлериниң гәпине ерип Едигени, соң баласы Нураддинди өлтиртпекши болады) көзге тасланады.

Сатемир хан образы драма да толық ашылмаған. Ол тек Едиге жәрдем сорап барғанында оған жәрдем бериўши күш, және де, Едигениң батырлығын көрсетиў ушын Әлип дәў менен ушырастырыўшы эпизод персонажы сыпатында қатнастырылған.

Жуўмақ: Демек, автор ўақыяны узақ көринислер жәрдеминде көрсетиўден қашып сахна талапларын есапқа алып, қысқа ҳәм тийкарғы көринислер жәрдеминде бас қаҳарманлардың, халықтың арзыўүмитлерин ашып бериўди мақсет еткен ҳәм жоқары нәтийжелерге ерискен деп айтсақ болады.

Улыўмаластырып айтқанда, драматург К.Рахманов узақ ўақытлардан берли әдебиятымызда проза, драматургия ҳәм лирика тараўында қәлем тербеткен қаракалпақ әдебиятының ўәкиллериниң бири. Ол дөреткен дөретпелер әдебиятымызда жанрлық, көркемлик жақтан да жаңалық болып қосылып отырды. Биз сөз еткен шығармасыда қарақалпақ әдебиятында 40-жыллардан берли киятырған әдебий дәстүрдиң даўамы болып, бул традиция еле де бар екенлигин, буннан соңда болыўын көрсетип тур. Бул әдебий раўажланыў, әдебиятшы илимпазлардан илимий талқыға тартыўды күтип турған мәселелердиң бири.

**Әдебиятлар**

1. Жәримбетов Қ. Дәстан, тарийх ҳәм драма (Жазыўшы К.Алламбергеновтың "Әмир Темур ҳәм Ер Едиге (Уллы атланыс)" тарийхый музыкалы драмасын оқығанда туўылған гейпара ойлар. //Қаракалпак әдебияты. 2017 ж, №7.

2. Алланазаров Т. Театр ҳәм драматургия, Нөкис, «Қаракалпақстан», 1979., Қарақалпақ совет драматургиясының гейпара мәселелери. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1987., Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили. // Әмиўъдәрия. 1961. №3., Сейтбеков Ә. Комедияға айланған повесть. // Әмиўъдәрия. 2012. №3, Эпикалық ҳәм драмалық жанрлардын бир-бирине тасир мәселеси. // ӨзРФАҚҚБ Хабаршысы, 2013. №1., Матмуратова Р. Қаракалпақ драматургиясында фарс жанры. // ӨзРФАҚҚБ Хабаршысы, 2013. №4.

3. Рахманов К. Заретдинов Қ. Едиге. Режиссёр вариантының електронный нусқасы. –Нөкис: 1994 (2016).

4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2002.

5. Кәримов Ҳ. Қанатты тил. –Алмата: 1994.

6. Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили. // «Әмиўдәрья», 1961. №2.

7. Горбунова Е. Идеи. Конфликты. Характеры. - Москва, 1960; Громова М. Русская драматургия XX века. - М.: 2006. Бялик, Б. М. Горький - драматург. - М.: 1977.

8. Шапауов Ә. Қ., Жүсіпов Н. Қ. Қазіргі драматургияның көркемдік- стильдік ерекшеліктері. // «Вестник ПГУ» им. С. Торайгырова. 2013. №2.

**РЕЗЮМЕ**

Мақола К.Рахмановнинг «Едиге» мусиқий драмасида муаллиф қўллаган ремаркаларнинг қаҳрамон психологиясини, касб-ҳунарини, иш-ҳаракатларини, ҳаракат ва пардаларни боғлашдаги хизматини аниқлашга бағишланган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается изучению романа в музыкальной драме «Едиге» К.Рахманова и их роли в описании психологии героев, их профессии и действий.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of remarks used in the musical drama"Edige" by K.Rakhmanov, their role in the description of the heroe's psychology, profession and actions.

## ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИН

(Махтумқули шеърлари таржималари мисолида)

**Ф.Сапаева** - *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар**: Махтумқули, шеър, таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, таржимон.

**Ключевые слова**: Махтумкули, стихотворение, перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.

**Key words:** Makhtumkuli, poem, translation, the Turkmen language, the Uzbek language, content, meaning, translator.

Махтумқули қадимдан халқимиз орасида машҳур бўлган. Махтумқулининг ўзбек халқи орасидаги чинакам шуҳрати Жуманиёз Шарипов таржималари билан боғлиқ. Таниқли таржимашунос олим ва моҳир мутаржим шоирнинг 314 та шеърини таржима қилиб, 1958 йили "Танланган асарлар" номи билан нашр эттирди [1]. Маълум бўладики, Ж.Шарипов 73 та шеърни у ёки бу даражада қисқартириб таржима қилган – *бу адекват таржима талабларига зид*. Асар қисқартириб таржима қилиндими, унинг қайсидир маъно қирраси мавҳум қолади, муаллифнинг қайсидир фикри хиралашади, қисқаси, асар мазмуни, муаллиф кўзда тутган мақсад охиригача очилмайди. Аслиятдаги тўрт мучаси бутун шеър таржимада майиб-мажруҳ бўлиб чиқади. Ўртамиёна қаламкашнинг саёз асари бўлса-ку, кераксиз ўринларини қисқартириб таржима қилиш мумкиндир, лекин мумтоз сўз санъаткорининг дурдона асарида, наҳотки, ортиқча байту бандлар бўлса?!

Ж.Шарипов таржималари махсус тадқиқ этилмаган

бўлса-да, турли йилларда Ҳ.Абдуллаев, К.Қурамбоев, Ғ.Саломов, М.Сапаров, М.Тайлакова, Ж.Юсупов, Э.Очилов каби мутахассислар бу борада чиқишлар қилганлар. Албатта, бу таржималарнинг камчиликлари кўп, лекин ютуқлари ҳам кам эмас. Шунга қарамай, Э.Очиловнинг ёзишича: "Таржимон мақтовдан кўра кўпроқ танқид эшитгани маълум. Чунки бу таржималарнинг ютуқлари кўп бўлиши баробарида, камчиликлари ҳам кам эмас. Лекин улар юзасидан ёзилган мақолалар, қилинган чиқишларда таржимоннинг маҳорат сирларини очиб беришдан кўра, эҳтиросларга берилиб, уни чалғитган туркманча сўзларни топиб олиб, танқид қилишга урғу берилгани сир эмас. Ҳолбуки, Жуманиёз Шарипов таржималари Махтумқулини халқимиз орасида иккинчи марта чинакамига машҳур қилди. Агар бу таржималар муваффақиятсиз чиққанда қайта-қайта нашр этилмас, "Бўйларингта", "Кўринг", "Тўхтамас", "Айлар", "Намасан", "Юргинг келади", "Айрилдим", "Бўлмаса", "Қарамас", "Бўлмас" каби бир неча ўнлаб шеърлар хофизлар тилига тушиб, қўшиққа айланмас эди" [2].

М.Али Махтумқулининг биргина "Туркманнинг" шеърини таржима қилиб, "Севсам, севилсам" китобида эълон қилган (3). Шундай қилиб, ўзбек таржима адабиётида мазкур шеърнинг 5 таржима нусхаси мавжуд. Шоир-таржимон шеърнинг ўзбек тилига айнан ўтказиш мумкин бўлган ўринларида бу имкониятдан самарали фойдаланган, бунинг иложи бўлмаганда матнга ижодий ёндашиб, эркин таржима йўлини тутган. Чунончи, қуйидаги бандда "падар", "сар", "тир" каби фақат форс-тожикча сўзлар қофия бўлиб келганлиги учун унинг қурилишини ўзгартирган (Ҳолбуки, М.Аҳмад ҳамда А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар) ўзбек ўқувчисига тушунарсиз бўлишига қарамай, қофияларни айнан сақлаб қолганлар):

Ол мердиң оглудыр, мертдир педери,
Гөроглы гардашы, серхошдыр сери,
Дагда, дүзде ковса, сайятлар дири
Ала билмез, ёлбарс оглы түркмениң [4].

У марддир, мард ўтган асли аждодлар,
Кардошдир Гўрўғли сингари зотлар,
Тирик ола билмас қувса сайёдлар,
Йўлбарсдай ёвқурдир ўғли туркманнинг [3:309].

Албатта, таржима айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Илк мисра тўғри таржима қилинган дейиш мумкин. Чунки "У марднинг ўғли, чунки отаси марддир" деган фикрнинг "У марддир, чунки асли авлод-аждоди мард ўтган" тарзида ифодаланиши аслиятта зид эмас, қайтанга уни кучайтирган. Иккинчи мисра таржимасида "серхошдыр сери" – "боши сархушдир" ибораси (Ж.Шарипов "сархуш калласи" деб уни шундай қўпол ўгирган). Бу ибора мажозий маънода "фахру ифтихордан маст, ғурурга тўла" маъносида келган, яъни "Гўрўғлидай зотнинг авлоди эканидан кўкси ғурурга тўла, боши фахр-ифтихор туйғусидан маст". Шунинг учун ҳам Э.Очилов бу мисрани "Мағрурдир, чунки Гўрўғли авлоди" деб таржима қилган эди. Бинобарин, унинг "Кардошдир Гўрўғли сингари зотлар" қабилида ўзбекчалаштирилиши жилла хато эмас. Учинчи мисра таржимасида эса "тири" – "ўқи" сўзини "тирик" деб тушуниб, хатога йўл қўйган. Ҳолбуки, "тирик" сўзи туркман тилида "дири" шаклида ёзилади.

Таниқли шоир ва таржимон Жуманиёз Жабборов Махтумқулининг 10 та шеърини таржима қилиб, "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилди [5]. Улардан 9 таси кейин "Дунё ўтиб борадир" тўпламига ҳам киритилди [6:114-125]. Бу таржималар силлиқ, равон, ўзбек тилида жаранглаб чиққан. Лекин таржимон аслиятни анча-мунча эркин талқин қилган ва қатор қусурларга ҳам йўл қўйган. Одатда, шоир-таржимонлар таржимада аниқликка эмас, равонликка интиладилар: токи таржима аслиятдан бир қадар чекинса-да, ўзбек тилида жаранглаб чиқсин! Ж.Жабборов таржималарида ҳам худди шу хусусиятни кўрамиз:

Ёлдаш болсаң диле дүшмез мур биле,
Ферш тапмайын, биле ятсаң мар биле,
Йигрим алты керет, йүз мүң эр биле,
Карун хазынасын гола алдым тут! [7:1,184]

Мазмуни: "Тил билмас чумоли билан йўлдош бўлсанг, жой топмай, илон билан бирга ётсанг ҳам йигирма олти марта юз минг эр билан Қорун хазинасини қўлга киритдим деб ҳисобла".

Қорун – Мусо алайҳиссаломнинг амакиваччаси. Бойлиги ҳад-ҳисобсиз бўлса-да, хайрли ишларга сарфламаганлиги учун охир-оқибатда бутун хазиналари билан бирга уни ер ютади. У мумтоз адабиётда харислик, хасислик тимсолига айланиб кетган.

Форс-тожикча "мўр" (чумоли) ва "мор" (илон) сўзлари ҳозирги ўқувчига тушунарли эмас, бинобарин, уларни ўзгартириш тақозо қилинади. Бу эса қофияни ўзгартириб, банд тузилишини бутунлай янгидан қуриш дегани. Бунинг учун таржимон илоннинг чўлда бўлишини назарда тутиб, аввало "чўл" сўзини қофияга олади ва бошқа қофияларни унга мослайди – "мўр"ни "гўл" деб олади, мардни – "норғул". Ёки "мард" сўзини "норғул" деб олиш мумкин дейди-да, олдинги қофияларни шунга мувофиқлаштиради: илоннинг чўлга нисбати бор, демак, иккинчи мисранинг қофияси чўл бўлиши мумкин. "Мўр"нинг эса ўхшашини топмай, "гўл" деб олиб қўя қолади. "Ферш тапмайын" – "ўрин топмай" ва "йигрим алты керет" – "йигирма олти марта" ибораларини эса вазнга сиғмагани учун ташлаб кетган:

Йўлдош бўлсанг тил билмаган гўл билан,
Ётсанг илон тўла жангал чўл билан,
Юз минг кирчиллаган мард – норғул билан
Қорун хазинасин қўлга олдим де [8:115].

Қизиғи, мутаржим аслиятдаги ибораларни қисқартирган, лекин ўзидан "тўла жангал чўл" ибораси, "қирчиллаган" сўзини қўшган, "мард" – норғул" деб изоҳли таржимани вужудга келтирган. Демак, бу иборалар чиндан ҳам вазнга сиғмагани учун эмас, балки таржимоннинг эркин ҳаракат қилишига халақит бергани учун тушириб қолдирилган.

Маълум бўладики, Ж.Жабборов таржималари учун матнни эркин талқин қилиш хос: у таржиманинг ўзбек тилида равон ва жаранглаб чиқишини биринчи ўринга қўяди. Бу – яхши. Лекин у бу йўлда аслиятдаги у ёки бу сўзни сира иккиланмай тушириб қолдираверади, у ёки бу фикрни ўзи хоҳлаганча талқин қилиб кетаверади.

Ж.Шарипов бу бандни қуйидагича таржима қилган эди:

Йўлдош бўлсанг тил билмаган мўр билан,
Жой топмайин, бирга ётсанг мор билан,
Йигирма олти кара (?) юз минг эр билан –
Қорун хазинасин қўлга олдим де [9:205-206].

Агарда "қара" сўзи корректура хатоси туфайли шундай ёзилгани, аслида у "карра" бўлиши керак деб тахмин қилсак, "мўр" ва "мор" сўзлари ўқувчига тушунарсиз бўлишига қарамай айнан қолдирилганлиги – аслият тузилиши ўзгартирилмай ўзича сақланганлигини айтмаса, таржима мазмун жиҳатидан аслига мувофиқ. Албатта, ўзбекча таржима талаби қофияларни алмаштиришни, бинобарин, банднинг қурилишини бутунлай янгидан шакллантиришни тақозо қилади. Лекин бу эркинлик Ж.Жабборов таржимаси каби бўладиган бўлса, бундай эркинликнинг сира ҳожати йўқ. "Бошқа тилда, бошқа адабий муҳитда туғилган санъат асарини ўз халқининг санъат асарига айлантириш, дадил ижодий ёндашиш, эркинлик усулини қўллаш орқали амалга оширилади. Ижодийлик билан эркинлик бир-бири билан алоқадор, бир-бирини тўлдирадиган, тақозо этадиган тушунчалар. Лекин улар орасида фарқ бор. Бу

якинлик шундаки, ижодийлик ҳам, эркинлик ҳам формализмга, ҳижжалаб ўгиришга зид принцип бўлиб, шоир-таржимоннинг ҳуқуқини кенгайтиради, ижодкор шахс сифатида қалам тебратишга имкон яратади. Эркинлик билан ижодийлик тўла мос келган жойда аниқ таржима ҳосил бўлиши мумкин. Аммо шундай эркинликлар борки, улар ижодийлик доирасидан узоклашиб, асарнинг қиёфасини ўзгартириб юборишга сабабчи бўлади. Бу эса ижодийлик эмас, балки ўзбошимчаликдир" [9].

М.Кенжабек таржимасида эса "керет" (марта, йўла, сафар, дафъа) сўзи, негадир, "тўшак"ка (?) айланган:

Йўлдош бўлсанг тил тушунмас мўр билан,
Жой тополмай, бирга ётсанг мор билан,
Ўттиз қават тўшак, юз минг эр билан –
Қорун хазинасин қўлга олдим, де! [10]

Қардош шоирнинг шеърини ўқиганда ҳаммаси тушунарлидай кўринади ва ҳамманинг ҳам таржима қилгиси келади. Бу – бирёклама фикр. Якин тиллардан таржима қилиш осон иш бўлмай, унинг ҳам ўзига хос мураккаблиги, қийинчиликлари бор. Тиллар яқин бўлгани билан улардаги кўп сўзлар ўзаро фарқ қилади, ҳар бир тилда ўзгача жаранглайди, ўзига хос маъно товланишларига эга бўлади. Донишманд Беруний бундан минг йил бурун айтиб кетган: "Баъзи бир лафз (сўз)лар борки, у(ни қўллаш) бир дин (халқ) ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин(даги халқ) ва бошқа бир тилда бемаъни бўлмайди" [11]. Қуйидаги банд таржимаси А.Ҳамронинг туркман тилини мутлақо билмаслигини яққол кўрсатади:

Магтымгулы айдар, гапыл отурман,
Гылча жаны узын гайга батырман,
Яланчыны хасрет билен өтүрмән,
Бир пасыл дөврандыр, өтди, яранлар! [4:2,125].
Махтумқули айтар, ғофил ётарман,
Жоним қилча, улли ғамга ботарман,
Ёлғончидан ҳасрат билан ўтарман,
Бир фасл даврондир, ўтди, ёронлар [12:56].

Бу ерда таржимон, аввало, туркман тилидаги "ң" думли экани ва у бизнинг "нг" ҳарф бирикмасига тўғри келишини билмаган. Иккинчидан, "ўтириш" ва "ётиш" туркман тилидан икки хил ёзилишидан бехабар: "отурмак" ва "ятмак". Бинобарин, биринчи мисрадаги "ғофил ётарман" ибораси аслида "ғофил ўтирманг" бўлади. "Жоним қилча бўлгани ҳолда улли (катта) ғамга ботарман" деб таржимон гўё иккинчи мисрани маромига етказиб таржима қилгандай. Лекин бу ерда ҳам "гайга батырмаң" ибораси "ғамга қўйманг", "қайғуга ботирманг" тарзида бўлиб, бу ерда шоир ўзига эмас, дўстларию яқинларига мурожаат қилаяпти.

Маълум бўладики, шўролар даврида Махтумқули асарлари биргина Ж.Шарипов томонидан таржима қилинган (М.Шайхзода ва М.Али фақат биттадан шеърларини ўзбекчалаштирганлар) ва катта ададларда қайта-қайта босилган бўлса, мустақиллик йилларида шоир шеърлари таржимонлари сони кескин равишда ортди. Ж.Жабборов ва А.Ҳамролар унинг бир нечадан шеърларини ўгиришган бўлишса, М.Аҳмад, М.Кенжабек, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар ўз таржималарини алоҳида тўпламлар ҳолида чоп эттиришди. Э.Очилов эса ўзигача амалга оширилга сара таржималарни тўплаб, унга ўзининг янги таржималарини ҳам қўшиб, шоир шеърлари мажмуасини эълон қилди. Уларнинг ҳар бири мукаммал таржима яратиш йўлида ўзига хос босқич эканлиги ва асосан шоирнинг илгари таржима қилинмаган янги шеърларидан иборатлиги жиҳатидан Махтумқули меросини ўзбек халқига тўлалигича етказиш йўлидаги изчил интилишлар натижаси эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими, ярим аср мобайнида Махтумқули асарлари таржимасига 10 нафардан ортиқ таржимон қўл уришининг ўзи шоир номининг ўзбек халқи орасида қанчалик машҳурлигию шеърлари таржимасига замон талаби, ўқувчилар эҳтиёжининг катталигидан далолат беради.

**Адабиётлар**


1. Махтумқули. Танланган асарлар. -Т.: "Фан", 1958.
2. Очилов Э. Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари. 14-б.
3. Али М. Севсам, севилсам (Шеърлар, таржималар). -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1983. 309-310-б.
4. Магтымгулы, Сайланан эсерлер. -Ашгабат: "Түркменистан", 1975. 1,11-б.
5. Махтумқули. Сайланма. -Т.: Ўзбекистон – Ёзувчи, 1995.
6. Магтымгулы. Шыгырлар. Үч томлук. 1-том. -Ашгабат: "Түркменистан" ДНЧБ, 1992. 101-б.
7. Махтумқули.Танланган асарлар (Ж.Шарипов тарж.). -Т.: "Фан", 1958.
8. Түркменче-русча сөзлүк. -М.: Советская энциклопедия, 1968.
9. Махтумқули. Мард йигитлар баҳоси (Шеърлар). // Жаҳон адабиёти. - Т.: 2003. № 5. 128-133-б.
10. Махтумқули. Сайланма. (М.Кенжабек тарж.). -Т.: "Фан", 2004.
11. Махтумқули-Фироғий. Сайланма. (А.Жумаев ва Ж.Зулпиевлар тарж.). -Т.: "Ўзбекистон", 2008. 388-б.
12. Ҳамро А. Қишда очилган гул (Шеърлар). –Бухоро: 2009.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржималари талқин қилинди. Хусусан, Махтумқули шеърларининг шакл ва мазмун муштараклиги, таржимонларнинг сўз қўллаш маҳорати таҳлил қилиниб, бадиий таржимада сўзнинг мавқеи хусусида баҳс юритилди.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о переводчиках стихов Махтумкули на узбекский язык. На примере переводов стихотворений Махтумкули на узбекский язык анализируется мастерство применения слов переводчиками, а также ведётся полемика о статусе слова в художественном переводе.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of translation of poems of Makhtumkuli into the Uzbek language. On the example of translation of the poems of Makhtumkuli into Uzbek the author analyzes the translators' skill in using words and suggests discussing the value of a word in the literary-artistic translation.

# MAZMUNÍ

## BAS MAQALA

**Базарбаев Ж.** Некоторые вопросы экологических инноваций в приаралье 3

## TÁBIYIY HÁM TEXNIKALIQ ILIMLER

### Texnikaliq ilimler

**Абдикаликов Ф., Насыров П.** Асимптотическая нормальность оценок функции среднего остаточного времени безотказной работы в регрессионной модели случайного цензурирования справа ........ 5
**Eshboyev E.A., Shodiyev F.Y., Bozorov A.A.** Berilganlarni qayta ishlash algoritmlarida o‘lchov shkalalari va tanlanma fayllarining o‘rni ........ 7
**Исмайлов К., Косбергенов Е., Жалелов М.** Деградационные процессы после свч отжига в диодных структурах с барьером шоттки $Au-TiB_x-SiC\ 6H$ ........ 10
**Жумамуратов М.А.** Методика инструментально мультиэлементного нейтронно-активационного анализа природных объектов южного Приаралья ........ 12
**Жумамуратов М.А.** Сезонные изменения элементного состава воды реки Амударьи ........ 16
**Кожаметов А.Т., Арзиев А.Д., Тлеубаева Г.С.** Исследование устойчивости линейных динамических систем методом функций Ляпунова ........ 18
**Турениязова А.** Применение методики Ecvet для описания блока результатов обучения «архитектура персонального компьютера» ........ 20
**Zunnunov A.O., Esbosinov R.E.** Birlik kubdagi sodda differensial o’yinlarda quvish masalasi ........ 22

### Tábiyiy ilimler

**Бегжанов М.Қ., Медетов М.Ж., Гулимбетов Б.Д.** Фарғона водийси адир минтақалари чигирткаларининг (acridoidea) фаунаси ва экологияси ........ 26

## JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALİQ ILIMLER

**Бауатдинов Ш.** Куръон маъноларини таржима ва тафсир қилиш устувор вазифа ........ 29
**Бегжанова Б.** Каракалпакские свадебные песни «сыңсыў» в контексте обрядов ........ 30
**Есемуратова С.А.** Жаңа медиада пуқаралық журналистиканың социаллық машқалаларды шешиўдеги мүмкиншиликлери 33
**Жўраев Ф.** Абул баракот насафийнинг “канзуддақоиқ” асари ҳанафий мазҳабидаги мўътабар фиқҳий матнлардан биридир 35

## TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

### Til bilimi

**Даниязов Б.Х.** Ўзбек тили лексик синонимларининг лексикографик талқини масалалари ........ 37
**Хонхўжаева А.** Мотам маросими билан боғлиқ этнографик атамаларнинг луғавий хусусиятлари ........ 39
**Ibrohimova D.** Antroponimika – nomshunoslikning shaxs ismlarini o’rganuvchi bo’limi ........ 42
**Қощанов К.М., Ганиева М.А.** Язык улицы - наш язык ........ 44
**Маджидова Р.У.** Онтологическая трактовка антропоцентризма в языкознании ........ 45
**Нормаматов С.** Жадидчилик даврида икки тилли таржима луғатлари ва уларнинг такомиллашув жараёни ........ 48
**Рзаева Р.К.** Лингвокультурологические особенности концепта «Motherland/Ўатан» в разносистемных языках ........ 51

### Ádebiyattanıw

**Алламбергенов К.** Едиге-қарақалпақ халқының миллий қаҳарманы, ямаса дәстан қаҳарманы Едигениң этникалық келип шығыўына байланыслы мотивлердиң тарийхый-фольклорлық типологиясы 53
**Алламбергенова Н.** «Алпомиш» достони ўзбек - қорақалпоқ версияларида бош қаҳрамон шажараси ва «қўнғирот» этноними талқини ........ 58
**Ахмедова В.А.** Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образининг бадиий талқини ........ 60
**Бекчанова С.Б.** Нақл ва масал муносабати ........ 62
**Кенесбаева Ш.** «Шәрияр» дәстанының мазмуны хәм атқарылыў өзиншелигинин жанрлық белгилер жаратыўға қатнасының гейпара мәселелери ........ 65
**Мамбетов И.** Қарақалпақ поэзиясында бәнт (XX әсирдиң 30-жылларындағы қарақалпақ поэзиясы мысалында) ........ 67
**Палымбетова М.** К.Рахмановтың «Едиге» драмасында ремаркалардың хызмети ........ 69
**Сапаева Ф.** Таржима ва талқин (Махтумқули шеърлари таржималари мисолида) ........ 72

## PEDAGOGIKA. METODIKA. INNOVACIYA

**Абдирасилов С.Ф., Хасанова М.А.** Тасвирий санъатда бадиий фрактал образнинг аҳамияти ........ 75
**Абылова Г.** Музыкальные компьютерные программные средства в активизации процесса обучения ........ 78
**Ақбаров Л.И.** Ҳарбий хизматчиларни касбий тарбиялашнинг педагогик асослари ........ 80
**Алламбергенов Е.** «Шәрияр» дәстанында ақыл тәрбиясы мәселелери ........ 81
**Арзиева Б.А.** Инглиз тилини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга маънавий ва маданий тарбия беришнинг ўзига хос хуссусиятлари ........ 83
**Boboxonova F.** Bolalar musiqiy qobiliyatlarini rivojlantirishining o’ziga xos xususiyatlari ........ 84
**Ережепов А.А.** Халық терме–толғаў жырларының жаслар тәлим-тәрбиясында тутқан орны ........ 86
**Ешниязова Э.Н.** Применение технологии развития критического мышления через чтение и письмо при изучении поэмы А.С.Пушкина «медный всадник» в ВУЗе ........ 88
**Kalandarova M.** Homilador ayollar hissiy-emotsional sohasi diagnostikasi ........ 90
**Кутлымурадов К.А.** Талабалардың кәсиплик сыпатларың қәлиплестириўде миллий қәдриятлардың тутқан орны...... 91
**Набиев А.** Замонавий дарслик таълим технологиясининг ахборотли модели сифатида (“Материаллар қаршилиги”, “Техник механика” ва “Қурилиш машиналари ва жиҳозлари” фанлари мисолида) ........ 93
**Nurullayeva B., Ismailova Sh.** Onkologik kasalliklarni kelib chiqishining psixologik omillari ........ 95
**Романова С., Койшыбаева Г.** Ўқитувчиларнинг ижодий педагогик маҳорати ва хусусияти ........ 96
**Уразимова Т.В.** Өзбекстан Республикасындағы үзликсиз көркем-педагогикалық билимлендириў ........ 98
**Уразбаева Д.А.** Онкологик беморларда эмоционал соҳани тадқиқ қилиш хусусиятлари ........ 99
**Утебаев Т.Т., Бекниязов Б.С.** Тарихий ёдгорликлар воситасида ўқувчи-ёшларда инсоний фазилатларни шакллантиришнинг педагогик йўналишлари ва босқичлари ........ 101
**Shodmonova Sh.S.** Bo’lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentligini shakllantirish va rivojlantirish yo’llari ........ 103
**Шомирзаев М.Х.** Ўқувчиларда халқ миллий ҳунармандчилиги касбларига қизиқишни шакллантиришда фанлар интеграцияси имкониятлари ........ 106

## DENE MÁDENIYATÍ HÁM SPORT

**Амонтурдиев Б.К.** Физическая активность как один из факторов здорового образа жизни и воспитания молодёжи ........ 109